



«Микроқарз» маҳсулотининг УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

(2024 йил 28 августдан кучга киради)

«Микроқарз» маҳсулотининг УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

1. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Сўровнома - бу кредит маблағларини Мижозга тақдим этилиш эҳтимолини баҳолаш мақсадида Банкка Мижоз томонидан юбориладиган (МБХда шакллантирилувчи) Мижоз ҳақида умумий маълумотларга эга ҳужжат.

Микроқарзни ажратиш санаси – Мижознинг талаб қилиб олинган депозит ҳисобига/банк картасига/электрон ҳамёнига пул маблағларини Банк томонидан ўтказилиши санаси.

Қарз олувчи - кредит муносабатларидаги тарафлардан бири бўлиб (жисмоний шахс, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб келаётган фуқаролиги бўлмаган шахс), микроқарз оладиган ва олинган суммани микроқарз шартномасида белгиланган шартлар асосида қайтариш мажбуриятини оладиган жисмоний шахс.

Микроқарз - муддатлилик, қайтарилувчанлик, таъминланганлик ва тўланиш шартларида Банк томонидан Жисмоний шахсларга тақдим этилувчи пул маблағлари.

Кредит аризаси - бу Мижоз (потенциал қарз олувчи) томонидан мобил илова орқали Банкка юбориладиган, унга онлайн микроқарз (кейинги о`ринларда “Микроқарз” деб аталади) бериш эҳтимолини баҳолаш учун ва ушбу Умумий шартларда назарда тутилган шартлар асосида сўралган микроқарз тўғрисидаги умумий ахборотларни ўз ичига олган ҳужжатдир (масофавий банк хизматида шакллантириладиган - МБХ).

Микроқарз / онлайн Микроқарз - ушбу Умумий шартларда назарда тутилган шартлар асосида МБХ тизимларидан фойдаланган ҳолда пул маблағларини о`тказиш йўли билан Банк томонидан Қарз олувчига муддатлилик, қайтарилишлик, та`минланганлик ва тўловлилик шартлари асосида бериладиган пул маблағлари.

Электрон ҳамён - Мижоз МБХ тизимлари орқали тасарруф етадиган Банкда очилган ҳисобварақ.

Асосий кредит шартлари – бу Банкнинг рағбатлантирувчи аксияларини ҳисобга олмаган ҳолда, “Ипотека-банк” АТИБ мижозларига тақдим этиладиган асосий кредит шартлари.

2. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Мазкур "Микроқарз" маҳсулотининг Умумий шартлари (кейинги ўринларда "Умумий шартлар") Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида Мижозга Банк томонидан Микроқарзни тақдим этиш тартибини ўрнатади ва Микроқарзни тақдим этиш тўғрисида Шартномани тузишда Мижоз ва Банк ўртасида вужудга келадиган муносабатларни тартиблаштиради.

2.2. Микроқарзни тақдим этиш тўғрисида Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-моддаси ва 369-моддаси 2-қисми, Универсал шартномага мувофиқ тарзда тузилади ва мазкур Умумий шартларда кўзда тутилган ва бирон бир истисносиз ёки чекловларсиз мазкур Умумий шартларда Мижоз томонидан сўзсиз акцептни англатувчи ҳаракатларнинг Мижоз томонидан амалга оширилиш пайтидан кучга киради.

2.3. Мазкур Умумий шартларга мувофиқ Микроқарз олиш истагида бўлган Мижозларга аниқ талаблар, Микроқарз миқдори, муддатлари, бошқа тўловлар, ҳамда қўшимча шартлар Мижозларга умуммаълум жойда (www.ipotekabank.uz манзили бўйича Интернет тармоғидаги Банкнинг расмий сайтида, МБХ, Банкнинг Контакт-маркази орқали) маълумотни жойлаштириш йўли билан маълумот етказилади.

2.4. Мижоз микроқарзни ажратиш, маълумотларни узатиш ва аризани йўналтириш

шартларидаги офертани қабул қилиши билан, МБХ орқали онлайн ёки Банк томонидан ўрнатилган бошқа усуллардада мазкур Умумий шартларни акцептлайди. Ушбу акцепт потенциал Қарз олувчи сифатида Мижозни Сўровномасини олдиндан кўриш учун Банк учун асос ҳисобланади. Мижознинг аризасини Банк томонидан маъқулланиши ҳолатида, Банк Мижозга микроқарзни тасдиқлаш учун смс-код тақдим этади. Мижоз томонидан микроқарзнинг шартларини қабул қилиши (акцепт) ҳолатида, мазкур Умумий шартлар ва микроқарзнинг шартлари билан кўзда тутилган шартларда микроқарзни тақдим этиш тўғрисида Шартнома тузилган ҳисобланади.

2.5. Шартлар Мижоз ҳар бир микроқарз олишидан аввал алоҳида ўрнатилади ва мобил иловадаги Мижознинг шахсий кабинетига юборилади. Қарз олувчи шартларни SMS хабарни тасдиқлаш йўли билан ёки Банк томонидан таклиф қилинган ҳар қандай бошқа усулда қабул қилади ва розилик беради. Қарз олувчи томонидан мазкур шартларни ва Қарз олувчи томонидан микроқарзнинг шартларини қабул қилиш ҳолатида, мазкур Умумий шартлар ва микроқарзнинг шартлари билан кўзда тутилган шартларда микроқарзни тақдим этиш тўғрисида Шартнома (Шартнома) тузилган ҳисобланади.

2.6. Мижоз унинг кредит салоҳияти ва бошқа маълумотларини баҳоланишда қўлланиладиган Банкнинг скоринг модели тижорат сири ва махфий ҳисобланишини қабул қилади ва Банк қуйидаги ҳолатларда унга Микроқарзни беришда сабабларни кўрсатмасдан рад этиш ҳуқуқига эга эканлигига розилик билдиради:

– Мижознинг ва у томонидан тақдим этилган маълумотларнинг таҳлилини барча тегишли босқичларидан муваффақиятсиз ўтишида ва/ёки;

– муаммоли кредитлар/қарзлар, улар бўйича жорий муддати ўтган қарздорлик мавжудлигида;

– Микроқарзни олиш мақсади жинойй фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштириш ва/ёки терроризмни молиялаштириш ва/ёки оммавий қирғин қуролини тарқалишини молиялаштириш ҳисобланиши ҳақида шубҳалар мавжудлигида;

– Амалдаги қонунчилик билан кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

2.7. Мижозни мазкур Умумий шартлар ва Тарифлар (жумладан, Банк томонидан вақти- вақти билан киритилувчи ўзгартиришлар ва/ёки кўшимчалар) билан таништириш мақсадида Банк кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни Банкнинг сайтида нашр қилиб боради. Бундан ташқари, Банк Мижозларга маълумотларни олиш ва у Банкдан келаётганлигини аниқлаш имконини берувчи бошқа усуллар билан хабардор қилиши мумкин. Кўрсатиб ўтилган маълумотларнинг нашр этилиш санаси этиб унинг Банк сайтида биринчи жойлаштирилиш санаси ҳисобланади.

3. ССУДА ҲИСОБВАРАҒИ

3.1. Мазкур Умумий шартларга мувофиқ Банк Мижозга миллий валюта ссуда ҳисоби(лари)ни очади.

3.2. Ҳисобрақамининг тартиб рақами бир томонлама тартибда Банк томонидан белгилаб берилади ва Шахсий кабинетда (жумладан МБХ) маълумотни жойлаштириш ёрдамида Мижозга хабар қилади.

4. МИКРОҚАРЗНИ БЕРИШ ВА СЎНДИРИШ ТАРТИБИ

4.1. Микроқарз Мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобига/банк картасига/электрон ҳамёнига нақд пулсиз шаклда пул маблағларини ўтказиш йўли билан мазкур Умумий шартлар билан ўрнатилган шартларда ва тартибда Мижозга тақдим этилади.

4.2. Микроқарзни тақдим этиш бўйича Банкнинг мажбуриятлари микроқарзни тақдим этиш Санасидан бажарилган ҳисобланади.

4.3. Агар тўлов санаси ишланмайдиган банк кунига тўғри келса, тўлов Санаси куни этиб унинг кейин келувчи энг яқин банк иш куни ҳисобланади. Бунда, тўлов суммаси ўзгаради (дам олиш/байрам кунлари учун фоизлар тўлов суммасига киритилади ва кейинги тўловлардан чегириб қолинади).

4.4. Мижознинг Микроқарзини сўндиришга келиб тушаётган маблағлар Микроқарз

бўйича асосий қарзни сўндиришга ва қўшиб ҳисобланган фоизлар, жарималар, комиссиялар ва шунга ўхшашларни сўндиришга йўналтирилади.

Агар амалга оширилган тўлов суммаси Мижозга ажратилган микроқарз бўйича мажбуриятларни бажариш учун йетарли бўлмаса, Мижознинг микроқарзи қуйидаги навбатда қопланади:

- 1) асосий қарз бўйича муддати ўтган қарздорлик ва муддати ўтган фоиз тўловлари мутаносиб равишда;
- 2) жорий давр учун ҳисобланган фоизлар ва жорий давр учун асосий қарз бўйича қарздорлик;
- 3) неустойка (жарима, пеня);
- 4) банкнинг қарздорликни узиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлари (почта харажатлари, давлат божи ва бошқалар).

4.5. Муддатли қарздорлик (сўндириш санаси бошланмаган қарздорлик/микроқарзни муддатидан олдин сўндирилиши) Қарз олувчининг кўрсатмасига биноан сўндирилади.

4.6. Асосий қарзни сўндириш унинг ҳисоби юритиладиган ссуда ҳисобига амалга оширилади, микроқарз бўйича қўшиб ҳисобланган фоизлар эса ўз ҳисоби юритиладиган ҳисоб рақамга амалга оширилади. Асосий қарз ва у бўйича қўшиб ҳисобланган фоизларни сўндириш санаси этиб кўрсатилган ҳисобларга маблағларнинг келиб тушиш куни деб ҳисобланади.

4.7. Микроқарз бўйича асосий қарзни, фоизларни ва/ёки бошқа тўловларни сўндириш Банк томонидан Мижознинг аризаларини топшириқномаларини бажарилиш йўли билан ва/ёки Банк томонидан мустақил Мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобидан маблағларни мемориал ордерлар билан акцептсиз ечиб олиниши йўли билан амалга оширилади.

4.8. Мазкур Умумий шартлар бўйича Микроқарзни, фоизларни ва бошқа тўловларни тўлаш Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларидан, банк ҳамкорларининг тўлов терминаллари ёрдамида ёки банкнинг МБХсидан фойдаланиш йўли билан ўзининг талаб қилиб олингунча Ҳисоб/микроқарзни сўндириш учун махсус ҳисоб/Карта ҳисобрақамни (РФС) тўлдириш йўли билан Мижоз томонидан амалга оширилиши мумкин.

5. МИКРОҚАРЗДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ТЎЛОВ

5.1. Банк микроқарзнинг шартларида кўрсатилган йиллик фоиз ставкаларни ҳисобидан Микроқарз бўйича асосий қарзнинг ҳақиқий қолдиғига фоизларни ҳисоблаб чиқаради.

5.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасини ўзгариши ёки капитал бозорида ресурслар учун тўловларни ортиши/пасайиши, Микроқарзнинг Якка тартибдаги шартларида кўрсатилган Микроқарздан фойдаланиш учун ҳисобга ўтказилувчи фоизлар ставкасининг миқдорини икки томонлама розилик бўйича Томонлар билан қайта кўриб чиқилиши мумкин, бу МБХда ёки ёзма равишда тузиладиган оферта акцепти (яъни кўшимча битим) билан тасдиқланади.

5.3. Микроқарз бўйича асосий қарзнинг қолдиғига фоизлар йилига 365 (уч юз олтимиш беш) кун ҳисобидан иш кунининг якунига ва ҳар бир ойда кунларнинг ҳақиқий миқдорига ҳар куни ҳисобланади. Ҳисоблаш ссуда ҳисобида қарздорлик вужудга келиш кунига амалга ошириш бошланади.

5.4. Мижоз тўлов санасига микроқарзнинг Якка тартибдаги шартларига мувофиқ ҳисобланган Микроқарздан фойдаланганлик учун фоизларни Банкка тўлайди.

5.5. Микроқарзнинг тўлиқ қиймати (МТҚ) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ҳисобланади. МТҚни ташкил этувчилари ҳақидаги батафсил маълумотлар микроқарзнинг шартларида келтирилади.

5.6. Агар Мижоз бир календар йили давомида микрокредитларни тўлаш жадвалини кетма-кет икки ёки уч марта такроран бузса, Банк кредитни муддатидан олдин тўлаш чораларини кўради.

6. ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ.

6.1. Мижоз Банк билан микроқарз ажратиш Шартномаси тузиши, ҳамда Банкка Аризани юбориши билан, шахсий маълумотларини йиғиш, ёзиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш (янгилаш, ўзгартириш), чиқариш, қўллаш, узатиш (киришга рухсат этиш, жумладан учинчи шахсларга шахсий маълумотларга ишлов беришни топширишда), эгасизлантириш, блоклаш, ўчириш, йўқотишнинг автоматлаштирилган воситаларини қўллаш билан ва/ёки қоғоз ва/ёки электрон ташувчилардаги Мижоз томонидан тақдим этилган шахсий маълумотларга ишлов беришни амалга ошириш ҳуқуқини (розилигини) банкга тақдим қилади.

6.2. Микроқарз ажратиш Шартномасининг мақсадларида Мижознинг шахсий маълумотлари деб Мижоз томонидан ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан Банкка ҳар қандай эҳтимолли усулда тақдим этилган бевосита ёки билвосита тегишли бўлган маълум ёки унинг ёрдамида Мижозга боғлиқ маълумот, жумладан, қуйидалар: фамилияси, исми, отасининг исми; туғилган санаси, оyi ва йили; контакт маълумотлар (телефон рақамлари, электрон почта манзиллари); шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари; яшаш жойи ва/ёки жойлашиш жойи ҳақидаги маълумотлар, маълумоти тўғрисида ахборотлар, оилавий аҳволи, болалар сони, бандлик ва фаолият соҳаси, ўртача ойлик даромад ва ҳар ойлик харажатлар, тўланадиган солиқлар, нафақа чегирмалари ва шунга ўхшаш маълумотлар тушунилади.

6.3. Мижознинг юқорида кўрсатилган шахсий маълумотларига ишлов бериш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади: Мижоз билан Микроқарз ажратиш Шартномасини тузиш имконияти Банк томонидан кўриб чиқилиши, унинг тузилиш масаласи бўйича ижобий ёки салбий қарор Банк томонидан қабул қилиниши, жумладан, Мижознинг шахсий маълумотларига фақат автоматлаштирилган ишлов бериш йўли билан; Мижоз томонидан кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириш; юқоридаги Шартномани шартлари бажарилиши ва бекор қилиниши; Шартнома бўйича қарздорликни талаб қилиш (сўндириш, ундириш); Мижознинг тўлов қобилиятини баҳолаш; унинг иш жойини, ҳақиқий яшаш жойи манзилни, телефонини ва Мижоздан олинган бошқа маълумотларни излаш ва текшириш; Банк ва/ёки Банк Ҳамкорларининг маҳсулотларига Мижознинг қизиқишини аниқлаш; Мижозни маркетинг сегментига киритиш; Мижозга Банкнинг бошқа хизматларини ва маҳсулотларини таклиф этиш ва кўрсатиш (тақдим этиш) (шу билан бирга жумладан Банк томонидан тақдим этилувчи бошқа хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа шартномаларни тузиш имкониятини Банк томонидан кўриб чиқилиши).

6.4. Мижоз Микроқарз ажратиш Шартномасини тузиш орқали Банкга махсус шартларда банк маҳсулотларининг алоҳида таклифларини мақсадида исталган вақтда кредитлар тарихи бюросидан ўзининг кредит тарихи ҳақидаги маълумотларни олишни Банкка топширади.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

7.1. Микроқарз ажратиш Шартномаси билан ўрнатилган муддатдан илгари, ҳар қандай вақт, жарима санкцияларисиз Микроқарзни сўндиришга.

7.2. Пул маблағларини олгунгача даврда Шартномани тузгандан кейин Микроқарзни олишдан бепул асосда воз кечиш.

7.3. депозитининг (омонатининг, агар у мавжуд бўлса) маблағларини, депозитни (омонатни) амал қилиш муддатига боғлиқ бўлмаган ҳолда микроқарзни сўндиришга йўналтириш. Бунда, агар Мижоз шартномада кўрсатилган (омонат) муддати яқунлангунга қадар муддатли депозити (омонати) маблағларини Микроқарзни қайтаришга йўналтириш истагида бўлса, у депозитни (омонатни) қайтаришнинг тахминий санасигача камида бир ой олдин бу ҳақда банкни хабардор қилиши керак.

7.4. Универсал шартнома ва Амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

Мижоз қуйидаги мажбуриятларни олади:

7.5. Қарздорликни сўндириш ва Микроқарз ажратиш Шартномасига мувофиқ тўлик ҳажмда унда кўзда тутилган барча тўловлари ва хизматларининг тўловини, жумладан амалга оширилган операциялар бўйича эътирозлар тақдим этилган ҳолатда бундай эътирозларни қониқтириш бўйича якуний қарор қабул қилинган пайтгача, амалга ошириш.

7.6. Микроқарз бўйича тўловни ўрнатилган тўлов санасидан кечиктирмасдан махсус ҳисоб рақамда шакллантиришни таъминлаш. Тўлов санасига (жумладан) Микроқарз бўйича тўловларни Банк томонидан ечиб олиниши учун етарли бўлган сумманинг Ҳисобда мавжуд бўлмаганида Муддати ўтган қарздорлик ҳосил бўлади, у ҳақидаги маълумотлар кредит тарихи бюросига Банк томонидан тақдим этилади, бу Мижознинг кредит тарихига салбий таъсир кўрсатади.

7.7. Учинчи шахсларнинг фойдаланишига Банк Картасини (унга Микроқарз тақдим этилган) ва/ёки мобил телефон Рақамини ва/ёки МБХга уланган Абонент курилмасини бермаслик. Мазкур банднинг Мижоз томонидан бузилиши ҳолатида, барча ҳаракатлар ва амалиётлар учун жавобгарликни Мижоз ўз зиммасига олади.

7.8. Банкнинг сўрови бўйича, зарурат туғилган ҳолатда, Банкнинг тегишли сўровини олган пайтдан 3-иш куни давомида Мижознинг молиявий ва мулкӣ ҳолатини тасдиқловчи ҳар қандай ҳужжатларни Банкка тақдим қилиш.

7.9. Ф.И.О., яшаш жойи, иш жойи, яқка тартибдаги маълумотлар, шахсий, биографик маълумотлар ёки бошқа маълумотларнинг ўзгартирилиши ҳолатида ушбу ўзгартиришлар ҳақида Банкка шундай ўзгаришлар пайтидан 1 (бир) кун давомида хабар бериш.

7.10. Мижознинг молиявий ҳолатини ёмонлашишига ва Микроқарз ажратиш Шартномаси бўйича Банк олдида Мижоз билан ўз мажбуриятларини бажармаслик ва/ёки тегишли бўлмаган равишда бажаришнинг хавфи юзага келишига олиб келиши мумкин бўлган ҳеч қандай мажбуриятларни ва чораларни ўз зиммасига олмаслик.

7.11. Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида иш берувчига ариза киритилгандан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан бу ҳақда Банкка хабар қилиш.

7.12. Ҳар қандай ахборот манбаларини қўллаш билан Мижоз томонидан тақдим этилган маълумотларни, ҳамда Микроқарз олиш учун Мижоз томонидан тақдим этилган Сўровномада ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларни Банк, унинг ходимлари ва қонуний вакиллари, жалб қилинган аутсорсинг компаниялари томонидан, жумладан улар томонидан яшаш, иш жойига ва шунга ўхшаш жойларга ташриф буюриш йўли билан текшириш ва қайта текшириш имкониятини тақдим қилиш;

7.13. Мазкур Микроқарз ажратиш Шартномасининг шартларидан келиб чиқадиган Микроқарз бўйича асосий қарз бўйича тўловлар, фоизлар, жарималар ва/ёки бошқа тўловлар муддати келганида Банкдаги Мижознинг исталган ҳисобидан, ҳамда ушбу Шартнома билан кўзда тутилган кетма-кетлик тартибида бошқа банклардаги Мижознинг ҳисобларидан маблағларни ечиб олинишига ақцептсиз, сўзсиз ва чақириб олинмайдиган ҳуқуқни Банкка тақдим этиш.

7.14. Банкнинг талаби бўйича Банкка етказилган барча харажатларни ва зарарларни, жумладан, мазкур Микроқарз ажратиш Шартномаси доирасида тақдим этилувчи Микроқарз бўйича қарздорликни (асосий қарз ва бошқа тўловлар) мажбурий ва/ёки муддатидан олдин ундириш учун чораларни кўриш муносабати билан қилинган, унга қоплаб бериш.

7.15. Мижоз Банкнинг розилигисиз бошқа шахсга Микроқарз бўйича ўз ҳуқуқларини ва мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман топшириш ҳуқуқига эга эмас.

Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

7.16. Кредитлаш жараёнида Банк Мижознинг молиявий ҳолатини текшириш ҳуқуқига эга. Бундай текширишларнинг даврийлиги Банк томонидан ўрнатилади;

7.17. Қуйидаги ҳолатларда:

1) Микроқарз ажратиш Шартномаси бўйича Мижоз томонидан ўз зиммасига олган мажбуриятларни бузиши ва/ёки бажармаслиги ва/ёки тегишли бўлмаган равишда

бажариши;

2) Мижознинг молиявий ҳолатини ёмонлашиши ва/ёки агар Мижозга нисбатан жиноят иши қўзғатилган бўлса ва/ёки агар қарзни қоплашга таъминот сифатида тақдим этилган Мижознинг мулкига таъқиқ солинган бўлса ва/ёки Мижознинг пул маблағларига музлатиб қўйиш ёки бошқа мулк билан бўлган амалиётлар тўхтатилган бўлса;

3) Мижоз томонидан нотўғри маълумотлар тақдим этилиши ҳолати Банк томонидан аниқланганда;

4) Мижознинг банк назоратидан бўйин товлаши ва/ёки Мижозни тижорат банкларида жиноят фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари талабларига мувофиқ Мижоз томонидан шубҳали ва гумонли амалиётларни амалга ошириш эҳтимоли текширувини амалга ошириш имконияти мавжуд бўлмаганида;

5) мазкур Умумий шартлардан келиб чиқувчи Микроқарз бўйича асосий қарзни, фоизларни, комиссияларни ва/ёки бошқа тўловларни ўз вақтида сўндирмаслик;

6) Микроқарзни қайтармаслик хавфини оширувчи бирон бир далилларнинг пайдо бўлиши;

7) Банк Картасини (унга Микроқарз тақдим этилган) рухсатсиз қўлланилишига гумон пайдо бўлган ҳолатда;

8) нотўғри ёки ёлғон маълумотларни (ҳужжатларни) тақдим этиш ёки Банк томонидан сўралган маълумотларни (ахборотларни) тақдим этишдан бош тортиш, жумладан Қарз олувчининг микроқарз, молиявий ҳолатини мониторингини амалга ошириш учун;

Банк куйидаги ҳуқуқларга эга:

– бир томонлама тартибда шартнома бўйича Микроқарзни тақдим этилишини муддатидан олдин тўхтатиш, бу ҳақда Қарз олувчини қонунчиликда ўрнатилган муддатларда хабардор қилиш, ва Микроқарзни муддатидан олдин ундирилишини талаб қилиб ва ундирувни гаров предметига ва/ёки унинг қисми(лари)га йўналтириш йўли ва/ёки қарздорлик қийматини Кафилдан/Гаровчидан/Суғуртачидан ундириш.

Ёзма хабарноманинг юборилиш санаси бўлиб Мижозга/Қарз эгасига/Кафилга унинг тақдим этилиш санаси ёки почта жўнатмаси санаси ҳисобланади;

– шартнома бўйича янги янги кредитларни/қарзларни беришни тўхтатиш;

– шартнома бўйича қарздорликни муддатидан олдин ундирилишини даъво қилиш;

– ўз ихтиёри бўйича жарималарнинг суммасини ундирмаслик;

– ўзининг ягона мутлақ ихтиёрига кўра Микроқарз ажратиш Шартномаси бўйича ундириш ва мажбуриятларни мажбурий бажарилишини суд процедурасини бошлаш;

– Шартноманинг шартларидан келиб чиқадиган микроқарз бўйича асосий қарзни, фоизларни, ва/ёки бошқа тўловларни сўндиришга маблағларни йўналтириш билан Банкда очилган Қарз олувчининг исталган ҳисобидан, улар мавжуд бўлмаганида - ҳар қандай, жумладан бошқа банклардаги бошқа ҳисоблардан акцептсиз ва сўзсиз тартибда уларни ҳисобдан ечиш.

7.18. Пул маблағларини қайтариш натижасида Мижознинг сўндириш ҳисобрақамига келиб тушган пул маблағлари Микроқарз ажратиш Шартномаси бўйича Микроқарзни ишлатилмаган суммасини қайтариш сифатида Микроқарз бўйича асосий қарзни сўндириш ҳисобига мустақил банк томонидан юборилади.

7.19. Банк ўз ихтиёри бўйича мазкур Умумий шартларда кўрсатилган ҳуқуқлардан/талаблардан исталганини қўллаши ёки қўлламаслиги мумкин. Ушбу ҳуқуқларни/талабларни қўлламаслик ёки қисман қўлланилиши ушбу ҳуқуқлардан/талаблардан воз кечишни англамайди ва улар Шартноманинг амал қилиш муддати давомида исталган вақт қўлланилиши мумкин.

7.20. Банк алоқа воситалари ёрдамида ва сўровномада ва Микроқарзни олиш учун Банкда Мижоз томонидан тақдим этилган бошқа ҳужжатларда кўрсатилган манзилга (телефонларга), ҳамда Мижоздан олинган контакт маълумотлар, жумладан телефон алоқаси, телефон рақамига SMS-хабарномани юбориш йўли билан, доимий рўйхатдан

ўтиш/ҳақиқий яшаш манзили бўйича почта хизмати орқали, электрон почта орқали, ёки ҳар қандай бошқа алоқа воситалари, ҳамда Мижозни кўрсатилган доимий рўйхатдан ўтиш/ҳақиқий яшаш/иш жойи бўйича ташриф буюриш йўли билан Мижоз билан боғланиш ва унга муддати ўтган қарздорлик мавжудлиги ва Шартнома бўйича мажбуриятларни бажарилмаганлиги ҳақида билдиргилар ва хабарномалар юбориш ҳуқуқига эга.

Банк қуйидаги мажбуриятларни олади:

7.21. Мижозга Умумий шартлар билан белгиланган лимит чегарасида ва муддатларда Микроқарздан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш;

7.22. Микроқарз бўйича қарздорликни ундириш мақсадида, шартномада Мижоз билан келишилган алоқанинг ҳар қандай усуллари кўллаб, муддати ўтган қарздорлик юзага келган санадан 7 (етти) календар кун давомида қарздорликни сўндириш зарурати ва Микроқарз бўйича мажбуриятларни бажармаслик оқибатлари ҳақида Мижозни ўрнатилган шаклда хабардор қилиш. Хабарномани кўлга топшириш ва бу ҳақда телефон орқали оғзаки эслатиш маҳаллий вақт бўйича соат 20:00дан соат 8:00гача даврда амалга оширилмайди.

7.23. Мижознинг кредит юкмасини келажакда ортишини олдини олиш мақсадида электрон почта алоқаси ёки МБХ воситаларида шахсий кабинетга ёки Сўровномада Мижоз томонидан тақдим этилган мобил телефон рақамига SMS-хабарнома/PUSH-билдирги юбориш йўли билан сўндириш жадвалини ва уни сўндириш тартибини илова қилиш билан муддати ўтган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида Микроқарз ажратиш Шартномаси бўйича муддати ўтган қарздорлик юзага келган санадан 7 (етти) календар кун давомида хабардор қилиш.

7.24. Мижознинг тегишли сўрови Банкка келиб тушиш кунидан бир иш куни давомида Шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ бажариш ҳолатида Микроқарз ажратиш Шартномаси бўйича Мижоз томонидан мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни МБХ тизимлари ёрдамида ёки Мижознинг истаги бўйича ёзма кўринишда тақдим этиш.

8. МИКРОҚАРЗ АЖРАТИШ ШАРТНОМАСИ ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

1.1. Томонлар Шартнома ва Амалдаги қонунчиликдан келиб чиқадиган ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки тегишли даражада бажармаслик учун жавобгар.

1.2. Томонлар Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки тегишли даражада бажармаслиги енгиб бўлмас куч ҳолатининг оқибати ҳисобланса, яъни ҳолатларнинг ушбу шароитларида фавқулудда ва олдини олиб бўлмайдиган вазиятларда жавобгарликдан озод этилади. Енгиб бўлмас куч ҳолатларининг таъсирини Томонлар ваколатли органлари ҳужжатлари билан тасдиқлашлари керак. Бундай ҳолатларга, шу жумладан, ҳарбий ҳаракатлар, оммавий тартибсизликлар, табиий офатлар, ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши, мазкур Умумий шартлар билан кўзда тутилган мажбуриятларни бажарилишини имконсиз қилувчи қонунларнинг ва бошқа меъёрий ҳужжатларни давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилиниши ҳам киради.

1.3. Бунда, Томонлар коронавирус инфекцияси (COVID-19) пандемияси ва (ёки) ҳар қандай бошқа эпидемиялар ёки касалликларнинг авж олиши, ҳамда пандемия муносабати билан киритилувчи чеклов чоралари (жумладан Ўзбекистон Республикасида карантиннинг эълон қилиниши), мазкур Шартнома бўйича "енгиб бўлмас куч ҳолати" деб тан олинмаслигини англайди ва розилик билдиради ва Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини 333-моддаси 3-қисмига биноан унинг диспозитивлигини ҳисобга олган ҳолда енгиб бўлмас куч ҳақидаги қоидаларнинг қўлланилишини истисно қилади. Шартноманинг мазкур бандининг таъсири ҳаттоки Томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига таъсир этувчи, давлат органлари томонидан бундай ҳолатларни олдиндан кўриб билолмаган ва/ёки онгли чоралар кўриш билан олдини олиш имконига эга бўлмаган чекловларни ўрнатувчи ҳаракатлар ёки қарорлар қабул қилиниши ҳолатида ҳам қўлланилади.

1.4. Мижоз Микроқарз, фоизлар, ва у бўйича бошқа тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ

қайтариш, ҳамда Мижоз томонидан мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли бўлмаган равишда бажариш билан чақирилган қарзни ва бошқа зарарларни ундириш бўйича суд харажатларини қоплаш учун Банк олдида бутун ўзининг мулки биланжавоб беради.

1.5. Микроқарзни ва унга қўшиб ҳисобланган фоизларни сўндириш бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаслик, ҳамда шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик учун микроқарзнинг шартларига биноан жарима ундирилади. Мижоз Банкда ва бошқа тижорат банкларида очилган Мижознинг ҳар қандай ҳисобрақамидан акцептсиз ва сўзсиз тартибда ҳисобланган жариманинг ҳар қандай суммасини ечилишини тан олади ва Банкга бу ҳуқуқни беради.

1.6. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли бўлмаган равишда бажариш ҳолатида Банк Универсал шартнома ва Амалдаги қонунчиликка мувофиқлик жавобгарликни ўз зиммасига олади.

1.7. Банк микроқарзни ишлатишга боғлиқ амалга оширилган унинг назорати муҳитидан ташқари низоли ва тортишувли ҳолатларнинг вужудга келиши учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

1.8. Банк техник узилишлар (электр таъминотининг ва алоқа тармоқларининг ўчирилиши/шикастланиши Тўлов тизимларининг ишидаги техник носозликлар) ҳолатида, ҳисобга маблағларнинг ўтказилиши учун Мижоз томонидан реквизитларнинг нотўғри/нотўлиқ кўрсатилиши ҳолатида мазкур Умумий шартларни бажармаслик ёки тегишли бўлмаган равишда бажариш учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

1.9. Банк йилига йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп бўлмаган миқдорда фоизлар ҳисоблаш, комиссия ва неустойка (жарима, пеня) ундириш, жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллаш ҳуқуқига эга.

9. МИКРОҚАРЗ АЖРАТИШ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

9.1. Микроқарз ажратиш Шартномаси муддатида томонларда вужудга келувчи барча низолар ўзаро мақбул қарорларни ишлаб чиқиш мақсадида томонлар билан дастлабки тартибда кўриб чиқилади.

9.2. Агарда кўрсатиб ўтилган келишмовчилик ва низолар музокаралар йўли билан ҳал етилмаса, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, Банкнинг филиали ҳудуддаги фуқароларлик судида ҳал етилиши.

10. МИКРОҚАРЗ АЖРАТИШ ШАРТНОМАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Шартнома Мижознинг ташаббуси билан шартномани бекор қилишга Аризанинг Банкка тақдим этилишида Банк билан тўлиқ ҳисоб-китобларни амалга оширилиши ва

Қарздорликни тўлиқ сўндирилиши шarti бажарилганда ҳар қандай пайт бекор қилиниши мумкин.

10.2. Шартнома Банкнинг ташаббуси билан шартнома бўйича мажбуриятларнинг Мижоз томонидан бажармаслик ҳолатида бир томонлама суддан ташқари тартибда бекор қилиниши мумкин, бунда банк томонидан шундай бекор қилиш ҳақида хабарнома Мижозга юборилган кундан 3 (уч) кун ўтиб бекор қилинган ҳисобланади.

10.3. Шартноманинг бекор қилиниши Мижознинг шартнома бўйича қарздорликни, жумладан, шартнома амал қилиш даврида вужудга келган Банкнинг комиссияларини тўлаш бўйича қарздорликни сўндириш мажбуриятини бекор қилинишига олиб келмайди.

11. МИКРОҚАРЗ АЖРАТИШ ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

11.1. Шартнома микроқарзнинг шартларини Мижоз томонидан акцепт қилиниш пайтига кучга киради.

11.2. Шартнома Микроқарз бўйича кредитлаш даврида амал қилади ва у бўйича мажбуриятларнинг Мижоз томонидан тўлиқ бажарилишидан кейин тўхтайди.

12. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

12.1. Мазкур Умумий шартлар билан назарда тутилмаган шартлар Амалдаги қонунчиликка мувофиқ тартиблаштирилади.

12.2. Мижоз барча алоқа воситаларидан, жумладан, аммо чекланмаган ҳолда: почта тарқатмаси, SMS-жўнатма, овозли хабар, электрон хатларни жўнатиш ва ҳоказоларни қўллаш билан тўғридан-тўғри алоқаларни амалга ошириш билан Банк хизматларини оммалаштириш билан боғлиқ бўлган реклама материалларини Банкдан олишга ўз розилигини беради.

12.3. Низолар юзага келиш ҳолатида банк ёзувлари мазкур Шартнома бўйича иккала томонларнинг мажбуриятларининг устунликдаги далиллари ҳисобланади.

12.4. Қарз олувчининг вафот этиши, унинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан ўрнатилган тартибда унинг меросхўрларига ўтади.

12.5. Шартнома Мижозга микроқарз ажратган Банк филиали жойлашган ҳудудда тузилган ҳисобланади.